

PEDAGOGICAL FUNDAMENTALS OF DEVELOPMENT OF CONTINUOUS EDUCATION

H. Toshmatova

Teacher of Russian language, FarPI Academic Lyceum,

М. Баходирова

Psychologist of FarPI Academic Lyceum,

H. Kurbanova

Fergana city 3 - secondary school teacher of fine arts and drawing

Annotation: The article analyzes the organizational, legal, modern pedagogical bases of the development of the system of continuing education in Uzbekistan.

Keywords: Education, continuing education, public policy, distance learning, pendulum, mature staff, educational institution

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Н. Тошматова

ФарПИ академик лицейи рус тили фани ўқитувчиси,

М. Баходирова

ФарПИ академик лицей психологи,

Н. Курбанова –

Фаргона шаҳар 3 - ўрта таълим мактаби тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-хуқуқий, замонавий педагогик асослари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: таълим, узлуксиз таълим, давлат сиёсати, масофавий таълим, пендемия, етук кадр, таълим муасасаси

Ҳозирги вақтда замонавий жамиятда илмий-техник тараққиёт ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг динамикаси тобора аниқроқ намоён бўлмоқда. Бунга сабаб эса пандемия туфайли барча соҳалар масофавий ишлаш режимида ўтканлиги билан ифодаланади. Бундай ишлаш жараёни иқтисодий ва маърифий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Таълим соҳасидаги Ўзбекистон давлатининг сиёсати таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг¹ узлуксиз таълимнинг барча турларида амалга оширилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу концепциянинг долзарблиги шу билан изоҳланадики, рақамли иқтисодиётни тез суръатларда ўсиб бориши билан кадрларнинг доимий ўз устида ишлаб боришга зарурияти ҳамда нафакат тор доирадаги мутахассисликка йўналтирилган кўникмалар мажмуасига эга кадрлар, балки кенг кўламли универсал компетенцияларга эга мутахассисларга эҳтиёжнинг мавжудлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “...биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар,

¹ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон.
Электрон ресурс: [www . lex . uz](http://www.lex.uz)

илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислох қилишни бошладик². Бу ҳолат нафақат анъанавий таълим машғулотлари ва унинг мазмунига, балки мослашувчанлиги, ҳаракатчанлиги ва умумий фойдаланиш имкониятлари туфайли жаҳон таълим бозорининг катта қисмини эгаллаб оладиган янги масофавий ўқитиш шаклини жорий этиш заруратини келтириб чиқаради.

Ҳар бир инсоннинг ҳаёти муттасил таълим ва ривожланиш заруратига қурилган. Бундан ташқари, бугунги кунда таълим фаолияти тобора кўпроқ рақамлаштирилган ва технологик хусусиятларга эга бўлмоқда³. Масофавий таълимни ривожлантиришнинг асосий имкониятларини тушуниш учун унинг келиб чиқиши ва бугунги кундаги ва келажакдаги юз бериши мумкин бўлган асосий тенденцияларни таҳлил қилиш керак бўлади.

Шундай қилиб, универсал ахборотлаштириш, инсон ҳаётининг барча соҳаларини рақамлаштириш, роботлаштириш ва сунъий интеллектни яратиш, бир томондан, инсон фаолияти одатининг кескин пасайишини таъминлайди, иккинчи томондан, репродуктив касблар, компетенциялар ва функциялар меҳнат бозорида кадрсизланишига олиб келади. Бу шуни англатадики, ҳар бир киши учун замонавий таълим тизими доимо унинг қобилиятлари ва ваколатларини ҳар томонлама ва самарали ривожлантириш учун шакл ва усулларни яратиши керак, бу унга нафақат бошқа одамлар билан, балки сунъий интеллект, технология ва бошқа имкониятлар билан таққослаганда унга устунлик ва рақобатдошликни беради. Замонавий таълимда рақамлаштириш жараёнларини ривожлантириш ва уни инсоннинг умр бўйи ўқиши учун мисли қўрилмаган имкониятларни ривожлантириш манбаига айлантирувчи куч бу чуқур тарихий илдизларга эга масофадан туриб ўқитишдир.

Кўпгина тарихчилар томонидан расман тан олинган, масофавий таълимни ривожлантиришнинг биринчи босқичи Европа мамлакатларида 19-аср ўрталарида бошланган деб ҳисобланади. 1836 йилда Буюк Британияда Лондон университети ташкил этилади. Унинг низоми бошқа шаҳарлардаги талабаларга илгари аккредитациядан ўтган бошқа олий ўқув юртларида ўқиган бўлса, имтиҳон топширишга имкон беради. Шундай қилиб, пойдевор қўйилди ва масофадан туриб олий маълумот олиш имконияти янгиланди. 1858 йилда бошқа мамлакатлардан келган талабаларга Лондон университетида имтиҳон топширишга рухсат берилди.

Бундай тажрибанинг оммабоплиги ва самарадорлиги туфайли уни университет дастурига мувофиқ почта орқали ўқитишни таъминлайдиган бошқа ўқув марказлари қабул қилина бошлади.

1850 йилда Германияда Густав Лангенсчеид “маърифий хатлар” нашр этди, бу барча хоҳловчилар учун тил ўрганишга имкон берди. Масофавий ўқитиш асосчисиларидан бири Исаак Питман 1840 йилда Буюк Британияда Бирлашган Қироликда талабаларга сценарий асосида дарс беришни бошлади. У бунда почта орқали хат юборишдан фойдаланган.

Иккинчи босқичда масофавий ўқитиш учун ўқув қўлланмалар аудио ва видео ёзувлар билан тўлдирила бошланди, уларни аллақачон радио ва телевидение орқали етказиб бериш мумкин эди. Телевизион ва радио курслари, ўқув қўлланмалари, синф машғулотлари ва имтиҳон назорати билан биргаликда 20-асрнинг ўрталарига келиб машҳур бўлди. Мураббийлар ва талабалар ўртасидаги ўзаро алоқалар яшаш жойидаги ёзишмалар, юзма-юз маслаҳатлашувлар ва қисқа муддатли курслар орқали амалга оширилди.

Учинчи босқич компьютер ва ахборот-рақамли технологияларнинг фаол ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, улар асосида телеконференциялар, анимация ва мультимедия ёрдамида электрон почта

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. - Т.: - Б. 8.

³ Степанов. С. Ю. Келгусида мактаб таълимининг узлуксизлигини аниқлаш истиқболлари. - М.: Москва давлат педагогика университети, 2017.

орқали масофавий ўқитишни ташкил қилиш имконияти яратилди. Ушбу босқичда масофавий таълим электрон таълим деб ҳам номланади. Рақамли ва телекоммуникацион тармоқларга ахборотларни этказиб бериш технологиясининг ўзгариши учинчи босқичда электрон масофавий ўқишга ихтисослашган ўқув марказларининг ўсиши экспонент хусусиятга эга бўлишига олиб келди⁴. Дарҳақиқат, ҳозирги даврда ўқувчи ёшлар ёшлигиданок радио, телевидение, газета, журнал ва турли китоблар, ахборот каналлари орқали кўплаб замонавий илмий-техникавий янгиликлардан хабардор бўлиб бормоқдалар. Буларнинг ҳаммаси сўзсиз ўқувчи ёшларни ҳар томонлама ривожланишларга, дунёқарашлари кўламининг кенгайишига олиб келмоқда. Ўқувчи ўз уйида телевидение орқали ёки кинотеатрда тарихий мавзудаги асарни томоша қилиб, унинг мазмуни билан чуқур танишишга муваффақ бўлгани ҳолда, ўқитувчи дарс жараёнида фақатгина дарслик материали билангина чегараланаётган бўлса, у ҳолда ўқувчида мазкур дарс учун ҳеч қандай қизиқиш пайдо бўлмайди. Ана шундай инкирозли шароитдан чиқиб кетиш учун ўқитувчи тарихий таълимида эмоционал маҳоратини ошириб бориб, ўқувчиларни мавзунинг мазмунига бўлган қизиқишларини ҳисобга олиб, унинг ҳар томонлама мустаҳкамланишига эришиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, бутун дунёда кузатилаётган пандемия туфайли электрон таълимнинг тез ўсиши дунёнинг барча мамлакатларида иқтисодий, сиёсий ва маърифий ривожланишининг асосий омили сифатида тан олинishi билан изоҳланади. Шу каби тенденциялар ва масофавий таълимнинг ривожланиш босқичларининг мамлакатимизда ҳам ўрганиш заруратини келтириб чиқаради. Бу нафақат психологик ва педагогик, балки бошқа контекстларда ҳам ўқувчи ёшлар имкониятларни чуқур ўрганиш, тушуниш ва танқидий баҳолаш зарурлигини таъкидланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон. Электрон ресурс: [www . lex . uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. - Т.: - Б. 8.
3. Степанов. С. Ю. Келгусида мактаб таълимининг узлуксизлигини аниқлаш истикболлари. - М.: Москва давлат педагогика университети, 2017.
4. Никулина, Т. В. Таълимни ахборотлаштириш ва рақамлаштириш: тушунчалар, технологиялар, менежмент / Т. В. Никулина, Э. Б. Старишенко // Россияда педагогик таълим. - 2018. - № 8. - Б 152.

⁴ Никулина, Т. В. Таълимни ахборотлаштириш ва рақамлаштириш: тушунчалар, технологиялар, менежмент / Т. В. Никулина, Э. Б. Старишенко // Россияда педагогик таълим. - 2018. - № 8. - Б 152.